

Коррупцияга қарши курашиш тизими



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 23 январ

Афсуски, жамиятимизда коррупция иллоти ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда.

Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди.

Тадбиркорлар ҳанузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келаётганини Президент номига келиб тушаётган кўплаб мурожаатлар ҳам, матбуот ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.

Ана шу вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этишни таклиф этаман

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи



«... Коррупцияга қарши мурасасиз курашиш янги босқичга кўтарилди.

Бу йўналишда бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди ва мустақил Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди»

Соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги ЎРҚ-419-сон Қонуни;

2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майда **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-5729-сон Фармони;

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги **“Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-5177-сон Қарори;

4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги **“Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-6257-сон Фармони;

5

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 5 июндаги **“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”**ги ЎРҚ-931-сон Қонуни.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чоратadbирларни амалга ошириш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Ҳозирда ҳар бир ривожланган ва ривожланаётган давлатларни барқарорлик билан тараққий этишига “Коррупция” иллати қаршилик кўрсатиб келмоқда. Шу боисдан ҳам коррупцияга қарши курашиш бутун дунё мамлакатларининг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

“Коррупция” термини латинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан бўлиб, унинг этимологик маъноси “бузиш, сотиб олиш” - деган маънони билдиради. Яъни коррупция – сиёсат ва давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий хавfli ҳодиса, давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган ёки уларга тенглаштирилган шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон беришидир. Коррупция ва порахўрлик давлатни ич-ичидан емириши жаҳондаги баъзи давлатлар тажрибасидан яхши маълум.

Коррупцияга қарши курашиш тизими

Қўлланиладиган амалдаги қонунчилик ва ички хужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, ходимар томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб борилишларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи коррупцияга қарши курашиш тизимидир.



Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари:

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги.

Жавобгарлик

Коррупцияга қарши Сиёсат принципи, талаблари ва қоидаларига амал қилмаслик ёки қоидаларни бузган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий, маъмурий, фуқаролик ва интизомий жавобгарликка тортилади.

Шу билан бирга:

Биринчи марта коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган ходим етказилган зарарни қоплаган ҳолда ва 30 кун ичида Иш берувчини хабардор қилганда Ходимга нисбатан **интизомий жазо чоралари қўлланилмайди.**



Комплаенс назорат нима?

Комплаенс ёки **комплаенс назорат** (инглизча «compliance» сўзидан «мувофиқлик») – бу ташкилот ходимларининг қонунчиликка зид бўлган хатти-ҳаракатларини олдини олиш ва қонунчиликка, саноат стандартларига ва ички тартиб-қоидаларга (низомлар, йўриқномалар, қоидалар ва бошқалар) риоя қилиш асосида корпоратив маданият этикасини тадбиқ қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизими.



Комплаенс назоратнинг бизнес учун муҳим жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- бизнес ҳамкорлар орасида ишончли ҳамкорлик ва ишбилармонлик обрўсини ҳамда тартибга солувчи органлар (давлат идоралари) билан ишлаш доирасида ишончли тадбиркор мақомини таъминлаш ва сақлаш;
- ходимлар ва ишга номзодлар орасида ҳалол ва адолатли иш берувчи обрўсини таъминлаш ва сақлаш;
- ходимларнинг ноқонуний ва ахлоқсиз ҳаракатларни содир этиш хавфини камайтириш, шу сабабли тадбиркорлик субъектларнинг тартибга солувчи органлардан санкциялар (жарималар) олиш хавфини камайтириш;
- инвесторлар / қарз берувчилар ва таъсисчилар сармоялари / қарз маблағларидан мақсадли фойдаланилишига ишонч ҳосил қилиш, мос равишда бизнес нархини ошириш;
- айрим мамлакатларда, тартибга солувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларини бузганлиги учун санкциялар (жарималар) ҳақмини кескартириш ёки тўлиқ бекор қилиш

Компаниянинг Комплаенс департаменти асосий вазифа ва фаолият йўналишлари:



Компаниянинг **коррупцияга қарши курашиш** бўйича фаолиятини такомиллаштириш;



коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган **йўналишлар** ҳамда **коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар** содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;



Компанияда коррупцияга оид **ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш** ва уларга қарши курашиш;



Компанияда коррупцияга қарши курашиш тизимини **самарали ишлашини** таъминлаш ва **назорат**



коррупцияга қарши ички назорат тизимини (**«комплаенс-назорат»**) жорий этиш ва коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш.

Департамент қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Компания ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;
- Компания тизими ходимлари фаолиятида аниқланган иқтисодий ва коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш;
- ўз фаолияти доирасида Компания таркибий тузилмалари ва ҳудудий филиалларга хатлар, ёзма кўрсатмалар орқали топшириқлар ва тавсиялар бериш;
- Компаниянинг ташкилий бўлинмаларидан ўзига юклатилган лавозим мажбурият ва топшириқларни бажариш учун лозим бўлган маълумотларни олиш;
- аниқланган салбий ҳолатлар ва камчиликлар тўғрисида бевосита раҳбариятга ҳабар бериш ва уни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш ва фикр алмашиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича Бошқарма ваколати доирасида тушунча, тавсия ва топшириқлар бериш.

Хар бир коррупцион ҳаракатни амалга оширишга олиб келадиган омиллар бир биридан фарқ қилсада улар асосида кўп учрайдиган омиллар:

- Муайян фаолият ёки жараёни тегишли равишда тартибга солинмагани
- Ортиқча бюрократик тўсиқлар
- Фаолият тури (жараён) устидан тегишли мониторинг назорат ўрнатилмагани
- Ходимда юзага келган молиявий қийинчиликлар

Юқоридаги тўрт омилнинг ҳар бири бўйича Компанияда тегишли ишлар амалга оширилди, хусусан:

Компания ижро аппаратида қарши курашиш бўйича халқаро ISO 37001:2016 стандарти асосида ички аудит ўтказилди. Аудит давомида жумладан етарли даражада тартибга солинмаган жараёнлар аниқланиб мазкур жараёнларни тартибга солиш бўйича тегишли ички ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, коррупциявий ҳолат ва ҳаракатларни бартараф этиш мақсадида департамент, бошқарма, хизмат ва бўлимлар фаолиятида коррупциявий ҳатарларни аниқлаш ва баҳолаш ишлари олиб борилди

Коррупциявий ҳатарларни аниқлаш ва баҳолаш ишлари авваломбор ходим – яни шахсга нисбатан эмас балки лавозимга қаратилганлигини алоҳида такидлаш жоиз. Хусусан, таркибий тузилманинг Низоми ва ходимларнинг лавозим йўриқномалари ўрганиб чиқилиб уларда коррупцияга йўл қўйилиши ҳатарлари мавжуд бўлган, коррупцияга мойиллик яратадиган ваколатларни аниқлаш, уларни қайта кўриб чиқиш ва улар устидан тегишли назорат мониторинг ишларини олиб бориш бўйича ишлар амалга оширилди. Коррупциявий ҳатари мавжуд жараёнлар ва қарор қабул қилиш ваколатларни тартибга солиш бўйича тегишли чора тадбирлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ортиқча бюрократик тўсиқлар

Компания фаолиятидаги жараёнларни оптималлаштириш, корпоратив бошқарув тизимини шаффофлаштириш мақсадида қатор жараёнлар автоматлаштирилди. Хусусан:

- Компаниянинг давлат харидлари фаолияти тўлиқ автоматизация қилиниб унда инсон омили минималлаштирилди;
- Компания хизматларига уланиш учун онлайн ариза топшириш имконияти яратилди;
- Хизматларга уланиш учун электрон навбат тизими жорий этилди.

Компанияда коррупцияга қарши курашиш бўйича қуйидаги ички норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати;
2. Совғалар ва конгил очар тадбирлар тўғрисидаги Низоми;
3. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида Низом;
4. Одоб-ахлоқ ва этика Кодекси;
5. Ички назорат тўғрисидаги Низоми;
6. Коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати бўйича ҳисоботни тузиш тўғрисида Низом;
7. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома;
8. Хизмат текширувларини ўтказиш бўйича Низом;
9. Ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома;
10. Алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти;
11. Контрагентларни текширишга оид Йўриқнома;
12. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиёти;
13. Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти.

Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати

“Ўзбектелеком” АК Коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати Компания акциядорлари умумий йиғилишининг 2022 йил 30 июндаги 56-сон баёни билан тасдиқланган.

“Ўзбектелеком” АКнинг 2022 йил 10 августдаги 308-сон буйруғи билан Компаниянинг барча ходимларига етказиш бўйича вазифалар белгиланган.

Сиёсатнинг принциплари:

Компания коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва барча турдаги бизнес муносабатларида ахлоқий хатти-ҳаракатларга риоя қилиш тамоилларига амал қилади. Сиёсатнинг қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги, жавобгарликнинг муқарраллиги каби принциплари ва талаблари Компания раҳбарияти ва барча ходимлари ҳамда вакиллари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати

Сиёсатнинг асосий вазифалари:

- Коррупцияга қарши курашишда қонунчиликнинг асосий принциплари, коррупцияга қарши курашишда Компания томонидан қўлланиладиган чора-тадбир ва тартиб таомилларни ва уларга амал қилиш мажбуриятларини Компания ходимларига етказиш.
- Компания раҳбариятининг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқиш ва уни жорий этилишини назорат қилиш бўйича мажбуриятларини белгилаш.
- Коррупцияга қарши комплаенс назорат тизимини жорий этиш ва зарур ҳолларда унинг заиф томонларини аниқлаб такомиллаштириш.
- Компания ходимлари ва вакилларида коррупциянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан бир хил - тушунчани шакллантириш.

Коррупцияга қарши курашиш Сиёсатининг мақсади:

- коррупция ҳолатларини олдини олиш;
- ходимлар онгида коррупциянинг ҳар қандай шакли намоён этилишига йўл қўймасликни бир ҳилда шакллантириш;
- ходимларда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни ва мазкур коррупцияга қарши курашиш бўйича корхона сиёсатининг талаблари, қоидалари принципларини билиши ва уларга қатъий риоя этилишини ўрнатиш;
- ходимларни коррупцияга оид фаолиятга жалб этиш хавфини минималлаштириш;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг коррупцияга қарши сиёсати - Компания, шу жумладан бошқарув органлари азолари ва ходимлари, шунингдек Компания номидан ва Компания манфаатларида фаолият юритувчи барча учинчи шахслар томонидан коррупцияга қарши курашиш миллий қонунчилик қоидаларига риоя қилишнинг асосий тамойиллари ва талабларни белгилайди

Ушбу сиёсатнинг талаблари Компаниянинг бошқарув ва назорат органларига ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар барча ходимларига, шу жумладан, алоҳида таркибий тузилмалари ҳамда аффилиланган шахсларга нисбатан тадбиқ этилади

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

“Ўзбектелеком” АК “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом” (янги таҳрирда)

Компания акциядорлари умумий йиғилишининг 2024 йил 15 августдаги 64-сон баёни билан тасдиқланган.

“Ўзбектелеком” АКнинг 2024 йил 9 сентябрдаги 283-сон буйруғи билан Компаниянинг барча ходимларига етказиш бўйича вазифалар белгиланган.

Манфаатлар тўқнашуви

Манфаатлар тўқнашуви- шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик, шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият тушунилади.

Шахсий манфаат - шахс билан мулкӣ, корпоратив ёки бошқа яқин муносабатлар билан боғланган фуқаролар ёки ташкилотлар томонидан пул, бошқа молк-мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар, мулкӣ характерга эга хизматлар, бажарилган ишлар натижалари ёки манфаат (афзаллик)лар шаклида даромад олиш имконияти шахсий манфаат дейилади.

алоқадор шахслар — Компания ходимининг яқин қариндошлари; Компания ходими ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) аксияларига ёки улушларига эгалик қилса, ўша юридик шахс; Компания ходими ёхуд унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;

яқин қариндошлар — ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари.

Манфаатлар тўқнашуви кўринишлари:

кронизм – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида лавозим мавқеидан ва обрўсидан фойдаланиш;

маҳаллийчилик – шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротатсия қилиш ва лавозимга тайинлаш;

непотизм (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида мансабдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Компания манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

уруғ-аймоқчилик – Компания ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва ноҳолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

фаворитизм – Компания ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Компанияда кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сиҳатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек, иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик;

шафелик – Компания ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши.

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш: Тартибга солиш

- Ходимнинг манфаатлар тўқнашуви бўйича қарорларни қабул қилиш ва муҳокама қилиш жараёнида қатнашишдан ихтиёрий равишда воз кечиш, ўз-ўзини рад этишини тасдиқлаш
- Манфатлар тўқнашувининг олдини олиш учун ходимнинг мажбуриятларини ўзгартириш ёки қайта кўриб чиқиш
- Ходимни маълум бир лавозим, вазифадан озод этиш.
- Ходимнинг шахсий манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотлар ва ҳужжатлардан фойдаланишини чеклаш
- Ходимни маълум бир давлат харид иштирокчиси билан / ходим учун қарорларни қабул қилиш жараёнидан четлаштириш
- Ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнат функцияларини бажаришни назарда тутадиган лавозимга ўтказиш

Ходимларни ишга қабул қилиш

“Ўзбектелеком” АКнинг 2025 йил 17 мартдаги 120-сон буйруғи билан “Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома” тасдиқланган.

Ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома

Йўриқноманинг асосий вазифаси Компанияда янги ишга қабул қилишда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш ҳамда шаффофлик ва очиқ танлов асосида ишга қабул қилишлигини таъминлаш.

Компания раҳбарияти томонидан тайинладиган лавозимларга (ижроия апаратининг барча ходимлари, филиал директорлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош бухгалтер ва/ёки унинг вазифасини бажариш юклатилган лавозимлар ва бошқалар) номзодларни текшириш учун Компаниянинг инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш департаменти, Комплаенс департаменти ва номзод қабул қилиниши кутилаётган бошқармалар масъул ҳисобланади.

Компания филиалларининг қолган лавозимларига номзодларни текшириш учун Компания инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш, филиаллар раҳбарлари, филиалларнинг персонал билан ишлаш учун масъул хизмат ёки бўлимлари номзодларни текшириш учун масъул ҳисобланади.

Текширув барча доимий ва муддатли лавозимларга ишга қабул қилинадиган номзодларга нисбатан ўтказилади.

Номзод проффесионал очиқ танлов ва/ёки тестдан муваффақиятли ўтгандан сўнг, меҳнат шартномаси тузилмасидан аввал текширилади.

Номзодни текшириш 5 иш кунида амалга оширилади. Белгиланган муддатларда текширишнинг ҳолис сабабларга кўра имкони бўлмаса муддат яна 5 кунга узайтирилиши мумкин.

Ходимларни ишга қабул қилиш

Йўриқномага асосан:

Ишга қабул қилинаётган номзодни ишга қабул қилувчи томонидан текшириш номзоддан олинган маълумотлар, очик манбалардан ёки расмий сўровлар орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш ишлари амалга оширилади.

Жумладан, номзоднинг <https://vacancy.argos.ru> сайтидаги шахсий профилидаги (агар мавжуд бўлса) ҳужжатлар ва маълумотлар ишончлилигини баҳолаш, шунингдек ўзи ҳақидаги маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш аломатлари йўқлиги таҳлил қилиш учун барча очик ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Номзод ҳақидаги маълумотларни олиш учун очик ахборот манбалари:

Давлат хизматлари агентлигининг юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар маълумотларини текшириш бўйича платформаси - https://fo.birdarcha.uz/s/ru_landing;

орхона ва ташкилотларнинг ягона давлат реестри (КТЯДР) - <https://stat.uz/ru/uslugi-1/svedeniya-iz-egrpo>;

Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портали - <https://my.soliq.uz/main/?lang=ru>;

Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлари портали - <https://data.gov.uz/ru>;

Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси - [http:// kadastr.uz/ru/](http://kadastr.uz/ru/)

ва ҳ.к.

Ундан ташқари ижрочи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига сўров юбориш орқали номзоднинг судланганлиги, фирибгарлик, коррупция ва зўравонлик билан боғлиқ ишларга алоқадорлигини текшириши мумкин.

Контрагентларни текшириш

Контрагентларни текширишга оид Йўриқнома - “Ўзбектелеком” АКнинг 2025 йил 14 апрелдаги 167-сон буйруғи билан тасдиқланган.

Мазкур йўриқномага асосан барча ташкилотлар Компания билан шартномавий муносабатларга киришишидан олдин ўрнатилган тартибда текширилиб, текширилган контрагентлар реестрга киритилиши белгиланган.

Шунингдек, энг яхши таклифни танлаш учун ўтказилган танлов доирасида тижорат таклифи тақдим этган ташкилотлар йўриқнома асосида тўлиқ текширилиши белгиланган.

Контрагент – Компания томонидан амалга ошириладиган харид жараёнининг харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар тузишда, Компания билан ҳамкорлик муносабатларига киришаётган юридик ва жисмоний шахслар (дилерлар, агентлар ва ҳ.) ва бошқача тарзда муносабатларга киришаётган шахслар (Компания хизматларини харид қилаётган шахслар ва Компания билан меҳнат муносабатларига киришаётган жисмоний шахслар бундан мустасно);

Контрагентларни текшириш

Контрагентларни текширишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Компания ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш;

инсофсиз ижрочилар билан шартнома тузиш хатарини камайтириш;

харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгиланган товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш имкониятини баҳолаш;

контрагентлар билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилиш;

Компания фаолияти жараёнида юзага келиши мумкин бўлган молиявий ва бошқа хавфлар (рисклар)ни барвақт олдини олиш.

Контрагентларни текшириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

1. Контрагентнинг ҳуқуқий лаёқатини, молиявий барқарорлиги, ишончлилиги ва у билан бўлган ўзаро муносабатлар тарихини текшириш, шу жумладан:

а) шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, ходимлар ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

б) шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгаллиги;

в) солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

г) контрагентларга нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

д) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

2. Контрагентнинг иш соҳасидаги обрў-эътиборга эгаллигини;

3. Манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текшириш.

Юқоридаги кўрсатилган йўналишлар бўйича текширув ўтказиш мажбурий ҳисобланади.

Совғалар ва кўнгилочар тадбирлар

“Ўзбектелеком” АК “Совғалар ва кўнгилочар тадбирлар тўғрисида Низом” Компания акциядорлари умумий йиғилишининг 2022 йил 30 июндаги 56-сон баёни билан тасдиқланган. “Ўзбектелеком” АКнинг 2022 йил 19 сентябрдаги 355-сон буйруғи билан қабул қилинган.

Совға – учинчи шахсаларга бепул бериладиган ёки улардан олинадиган ҳар қандай мулк, фойда ёки афзалликлар;

Ишбилармонлик совғаси – Компания ходими ва учинчи шахслар ўртасида мавжуд иш муносабатлари юзасидан учинчи шахсалардан олинадиган ёки уларга бериладиган ҳар қандай қийматдаги предмет (мулк ва ҳ.к.);

Ишбилармонлик ва кўнгил очар тадбирлар – маданий, спорт ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этиш учун учинчи шахсларни таклиф қилиш ёки улардан таклифномалар олиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар, шу жумладан Компания фаолиятига ва обрўсига таъсир кўрсатадиган, бизнесни юритиш доирасидаги ишбилармонлик тадбирларига тўғри келадаган бизнес тушликлар ва зиёфатлар.

Брендли сувенир маҳсулотлар – маркетинг дастурлари учун мўлжалланган Компания логотипи туширилган сувенир маҳсулотлар;

Совғалар ва кўнгилочар тадбирлар

Вакиллик ҳаражатлари – Компаниянинг ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва/ёки қўллаб-қувватлаш мақсадида музокараларда иштирок этувчи бошқа ташкилотлар (жумладан хорижий) вакиллари, шунингдек, аксиядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши мажлиси ва Компаниянинг бошқа йиғилиш/мажлисларига келган иштирокчиларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳаражатлар.

Совғалар ва ишбилармонлик совғаси тушунчаси

Совға кенг маънода қийматга эга бўлган ҳар қандай моддий ва номодий, масалан, ваъда, имтиёз ёки тадбирлар учун тўловлар кўринишида бўлиши мумкин. Совғалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- пул маблағлари;
- мавзули совғалар;
- совғали сертификатлар;
- қимматли қоғозлар;
- Компания логотипи туширилган сувенир маҳсулотлар;
- бизнес ва кўнгил очар тадбирлар учун таклифномалар ва чипталар;
- чегирмалар (иқтисодий асосга эга бўлмаган);
- қулайроқ хизмат кўрсатиш шартлари (иқтисодий асосланмаган).

Мазкур рўйхат билан совғалар чегараланмаган.

Қиймати 3 (уч) базавий ҳисоблаш миқдоридан ортиқ бўлган совғаларни учунчи шахсларга Компанияда совғаларни қабул қилишнинг корпоратив қоидалари ва нормалари тўғрисида хабардор қилинади.

Учинчи шахслар фойдасига бераладиган совғалар қийматига нисбатан 3 (уч) базавий ҳисоблаш миқдорида чегара ўрнатади. Чегара Компания номидан битта олувчига нисбатан қўйилади. Худди шу муносабат билан бир олувчига турли ходимлардан бир нечта совғалар беришга йўл қўйилмайди.

Қиймати 3 (уч) базавий ҳисоблаш миқдоридан ортиқ бўлган совғаларни учунчи шахсларга Компанияда совғаларни қабул қилишнинг корпоратив қоидалари ва нормалари тўғрисида хабардор қилинади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкил этилган Алоқа каналлари

“Ўзбектелеком” АК алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти “Ўзбектелеком” АКнинг 2022 йил 23 февралдаги 64-сон буйруғи билан тасдиқланган.

Регламентнинг асоси вазифаси Компания тизимида коррупцион хатти-ҳаракатларда зудлик билан ахборот бериш учун алоқа каналлари ташкил этилган.

Таалуқли хабар бераётган шахс ҳақидаги маълумотлар (конфиденциал) махфийлигини Комплаенс департамент ходимдари томонидан кафолатланади.

Алоқа каналлари орқали келиб тушган мурожаатлар конфиденциал ҳисобланиб ундаги барча маълумотлар фақат тегишли бўлинмаларга ўрнатилган тартибда тақдим этилиши лозим!

Коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкил этилган Алоқа каналлари

Иш фаолиятингизда коррупцияга дуч келсангиз:

 Қонунбузилишлар тўғрисидаги маълумотлар оғзаки ва ёзма: - филиал раҳбарига;

 Электрон тарзда: <https://uztelecom.uz/> сайти ва antikorrupsiya@uztelecom.uz электрон почтаси орқали;

 **+998 55 501 77 87** телефон рақами орқали;

 Телеграмм ижтимоий тармоғи орқали: **@utc_uzbot** бот ёрдамида мурожаат этишингиз мумкин.

**Барча шахсий маълумотларингиз конфидециал сақланиши
кафолатланади**



Эътиборингиз учун раҳмат!